БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРДА КАСБИЙ МОТИВАЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЗМУНИ

Замира Собировна Тешабоева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мақоланинг асосий ғояси бўлажак тарбиячиларда касбий мотивацияни шакллантириш долзарб муаммо эканлигига қаратилган. Касбий мотивацияни шаклланишида мотив ва ўқув фаолияти мотивацияси манбаларининг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган. Касбий мотивацияни шаклланишида талабаларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш муҳимлиги хусусида ҳам сўз юритилади.

Калит сўзлар: мотив, мотивация, шахс қадрияти, установка,ижодкорлик, метод, технология, восита, лаборатория, рефлексив фаолият.

THE CONTENT OF FORMATION OF PROFESSIONAL MOTIVATION IN FUTURE EDUCATORS

Zamira Sobirovna Tashaboyeva
Independent Researcher of Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The main idea of the article is that the formation of professional motivation of future educators is an urgent problem. The importance of sources of motivation and motivation for educational activity in the formation of professional motivation has been scientifically substantiated. The importance of taking into account the individual characteristics of students in the formation of professional motivation is discussed.

Keywords: motive, motivation, personal value, attitude, creativity, method, technology, means, laboratory, reflexive activity.

КИРИШ

Ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимига малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш долзарб масала ҳисобланади. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3261-сонли қарори

ҳамда “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли фармонида замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан нодавлат секторида жорий этиш, замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари педагог-тарбиячилари, раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш вазифаси белгиланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур муаммоларни ечишда олий таълим тизими ҳам алоҳида ўрин тутади. Олий таълим жараёнида бўлажак тарбиячиларда касбий мотивацияни шакллантириш мактабгача таълим тизимида сифатли таълимни ташкил этишни таъминлайди. Касбий мотивация талабаларни касбий-дидактик билим, кўникма ва малакаларни етарли даражада ўзлаштиришларига турки беради. Бўлажак тарбиячиларда касбий мотивацияни шакллантириш мактабгача таълим жараёнида инновацион ғояларни яратиш ва самарали равишда ташкил этиш ҳамда педагогик изланувчанликни амалга оширишни кафолатлайди. Бугунги кунда замонавий тарбиячиларга жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими уларнинг шахси ва касби билан боғлиқ сифатларни ривожлантиришга қаратилган. Олий таълим муассасасида бўлғуси тарбиячининг касбий сифатлари шакллантириб борилиши лозим. Касбий педагогик мотивациянинг пайдо бўлиши бўлажак тарбиячиларни касбий эҳтиёж, касбий қизиқиш ва педагогик фаолиятга ундайди. Тарбиячи ўзини маънавий ва маърифий томондан тарбиялаши ҳамда умуминсоний қадриятларнинг моҳиятини билиши, болаларни Ватанга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўз Ватани, табиатга ва оиласига бўлган муҳаббатини шакллантириши лозим. Шунингдек, мактабгача таълим соҳасига оид турли маълумотлардан хабардор бўлиши талаб этилади. Бўлажак тарбиячилар ёш ва педагогик психология, ижтимоий психология, педагогика, ёш физиологияси ҳамда гигиенадан чуқур билимларга эга бўлиши талаб этилади. Чунки, мактабгача таълим соҳасига оид мукаммал билимга эга бўлиш болаларни мактаб таълимига тайёрлашдаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Тарбиячилар ўз касби, соҳаси бўйича жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлар, ривожланган давлатлар тажрибасидан хабардор бўлишлари лозим. Бўлажак тарбиячилар таълим ва тарбия методикасини эгаллашлари,

болаларнинг ёш хусусиятларини билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиш, педагогик техника (мантиқ, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши, ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориш малакасига ҳам эга бўлишлари зарур. Бўлажак тарбиячиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда ўқув фаолияти мотивацияси асосий омил ҳисобланади. Ўқув фаолияти мотивацияси ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, талабаларни билим, кўникма ва малакаларни фаол ўзлаштиришга йўналтирувчи жараёндир. Ўқув фаолияти мотивациясининг манбалари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Ички манбалар. Улар инсоний туғма ёки орттирилган эҳтиёжлари билан белгиланади. Орттирилган эҳтиёжлар фаолликка ундайди ҳамда гностик ва ижтимоий ижобий эҳтиёжлар ҳисобланади.

2. Ташқи манбалар. Улар шахснинг ижтимоий шарт-шароитлари билан белгиланади. Турли хил таълимий вазиятлар ва жамиятни шахсдан талаб қиладиган доимий хулқ-атвори билдиради.

3. Шахсий манбалар. Шахснинг қадриятлари системаси установкалари ғояларидир. Бу манбалар ҳар бир шахс фаолиятида у ёки бу даражада мавжуд. Уларнинг барчаси фаолиятга таъсир этиб таълим жараёнининг мотивациясини ташкил этади. Шахснинг ички қониқиши, ўзини тан олиш, муваффақиятларга эришиши билан намоён бўлади [4;92-93 б].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Агарда аниқ мақсад ва натижалар белгиланган бўлса, мотивация манбалари ўқув фаолиятига ижобий муносабатни пайдо қилади [3;127б].

Тадқиқот даврида бўлажак тарбиячиларда касбий мотивация ўқув фаолияти жараёнларида ривожлантирилди. Яъни “Болаларни саҳналаштириш ва ижодий фаолиятга ўргатиш” модулини ўқитишда, маъруза, амалий ва семинар дарслари, тўгараклар, амалиёт ва малакавий амалиёт учун танланган “Мактабгача таълим ташкилоти лабораториялари” да амалий машғулот ва маънавий тадбирлар (“Болажон қўғирчоқ театри студияси” ва “Эртаклар оламига саёҳат”) ташкил этилди.

Бўлажак тарбиячиларда касбий мотивацияни ривожлантиришда уларнинг қизиқишлари ва мойилликларини инобатга олиш лозим. Бўлажак тарбиячиларда касбий мотивация шаклланиши натижасида касбий компетенция ҳам ривожланади. Улар ўртасидаги ўзаро боғликликни таъминлаш учун олий таълим жараёнида бўлажак тарбиячида ўз фаолиятини муваффақиятли бўлишига юқори даражада ишонч мотивацияни ошириш лозим.

Шунингдек, талабаларда шахсий муваффақиятга эришишга ҳаракат қилиш ва маъсулиятни ўз қўлига олиш кўникмасини ҳам тарбиялаб бориш зарур. Талабаларда касбий мотивация турли мотивлар негизида шаклланади. Касбий соҳага оид мотивлар қуйидагиларни ўз ичига олади: мактабгача таълим соҳаси бўйича билим олишга интилиш; педагогик фаолиятида муваффақиятга эришиш йўлларини пухта эгаллаш; педагогик маҳорат ва этикага эга бўлиш. Мазкур компонентлар касбий фаолиятни ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Буларнинг барчаси талабаларнинг касбга қизиқиши билан боғлиқ бўлиб, ўз олдига қўйган мақсадга эришишда ютуқларни эгаллаш ва касбий фаолиятида ижод қилишга интилишни таъминлайди. Шахсий мотивлар талабаларда касбий фаолиятида ўз ўрнига эга бўлиш ва ўзини тарбиячилик касбига бағишлашга ундайди. Талабалар жамоада ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш, ташқилотчилик ва раҳбарлик қилиш қобилияти, шахсий ҳатти-ҳаракатларини намоён этишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек танлаган касбига қизиқиши ортади, интеллектуал жиҳатдан дунёқараши кенгаяди, ижодий фаолият юритишга ҳаракат қилади. Шахсий мотивлар ўқув фаолияти мазмуни билан бевосита боғлиқ бўлади. Талабаларни фаол ўқишга йўналтиради. Амалий мотивлар иш ҳаракатда намоён бўлади, талабалар ўз билими ва тажрибасига таяниб амалий машғулотда эртак ва ҳикояларни саҳналаштирирадилар. Натижада турли ҳаётий вазиятлар, педагогик фаолиятида дуч келадиган муаммоларни ҳал этиш кўникма ва малакалари шаклланади. Талабалар педагогик амалиётда тарбиячилик касбига оид муҳим жиҳатларни ўзлаштирадилар. Бундан ташқари ижтимоий мотивлар ҳам мавжуд бўлиб, талабаларни олий маълумотли шахс сифатида жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш, ижтимоий тан олиниш, жамият равнақи учун ҳисса қўшиш, фуқаролик бурчини ҳис этишга ундайди. Олий таълим жараёнида касбий мотивацияни шаклланишида ўқув-тарбиявий жараёнда турли метод, технология ва воситаларни самарали қўлланилиши талабаларда фаолликни уйғотади, амалий кўникмаларни эгаллайдилар. Бугунги кунда замонавий педагогларга жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ҳам болаларни мактаб таълимига самарали тайёрлашдир. Бунинг учун бўлажак тарбиячиларда шахсий ва касбий компетенция етарли даражада шаклланган бўлиши лозим. Касбий мотивация касбий компетенцияни шаклланишига замин яратади. Касбий эҳтиёж талабаларни танлаган касбига бўлган қизиқишни оширади. Когнитив фаолият эса мактабгача таълимга оид назарий-методологик билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга йўналтиради. Рефлексив фаолият ўз-ўзини ва касбий имкониятларини таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштиришга ҳаракат қилишга ундайди. Мазкур омиллар таъсирида

бўлажак тарбиячиларда маънавий сифатлар ҳамда умуминсоний қадриятлар, болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўз Ватани ва оиласига бўлган муҳаббат шаклланади. Шунингдек, мактабгача таълимга оид пухта билимга эга бўлиш талаб этилади. Мактабгача таълим соҳасига оид мустаҳкам билимга эга бўлиш болаларни мактаб таълимига тайёрлашдаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бўлажак тарбиячидан ўз касби ва соҳаси бўйича жаҳон фанида эришилган сўнгги ютуқлар ривожланган давлатлар тажрибасидан хабардор бўлиш тақозо этилади.

Ф.Ҳайдаров, Х.Абдукаримов ва бошқаларнинг фикрича “касбни тўғри танлашга хос етакчи мотивларни аниқлаш муҳим. Етакчи мотивлар сирасига севимли ўқитувчисига тақлид қилиш; касбий-мутахассислик йўналишидаги фанларга қизиқиш;касбнинг ижтимоий моҳиятини англаб етиш; касбга хос амалий кўникмалар ва хулқ-атворнинг шаклланиши; ўзига хос касбий-педагогик маҳорат фантазиясининг шаклланиши; касбий ўз-ўзини тарбиялашга бўлган талабчанликнинг ортиб бориши; касбига хос билим ва қобилиятларнинг ривожланиб бориши; касбий изланиш ва ижодкорликка хос фаолликнинг ортиб бориши; таҳлил ва ўз-ўзини таҳлил этиш ҳамда ўзининг касбий фаолиятига баҳо бериб бориш; касбий-педагогик фаолиятга оид синовларга шайлик ҳиссининг пайдо бўлиши ва х.к.лар киради” [5;42 б].

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган фикрлар асосида бўлажак тарбиячиларда касбий мотивациянинг шаклланиши таълимни сифатли ташкил этиш, талабаларда танлаган касби моҳиятини чуқур англаш ва ҳис қилишларига ҳам боғлиқ деган хулосани тасдиқлайди. Бўлажак тарбиячилар таълим ва тарбия методикасини эгаллашлари, болаларни билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиш, педагогик техника (мантиқ, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши, ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориш малакасига эга бўлишлари лозим.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор. 9.09.2017 й., ПҚ-3261, «Халқ сўзи» газетаси. 2017 й., 11 сентябрь. 181 (6875)-сон.
2. Мирзиёев Ш.М. Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида фармон. 30.09. 2017 й., ПФ-5198.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/17/5198/0043-сон.

3. Абатуров И.А. Исследование профессиональной мотивации у студентов педагогических специальностей. Вестник ТГПУ(TSPU Bulletin). 2014. №3

4. Давлетшин М.Г ва бошқ. Ёш даврлари ва педагогик психология. Ўқув методик қўлланма-Т.: 2004.-129 б.

5. Ҳайдаров Ф., Абдукаримов Х., Алимова Ф., Ботиров Б. Талабаларнинг ўқув мотивларини шакллантириш.Т.:2009-131 б.

6. Тешабаева З.С. Олий таълим жараёнида бўлажак тарбиячиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш. Журнал. Замонавий таълим.№1-сон. 2020 й. Б. 30-35 .

7. Teshabaeva Z. THE use of modern information technologies in the process of training future preschool educators. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol.24, Issue 09, 2020.y. P. 440-446. ISSN: 1475-7192